

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ РОМАНЛАРИ САРЛАВҲАСИНИНГ СТРУКТУР ТАҲЛИЛИ

Баҳор Баҳриддиновна ТўРАЕВА

Доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент, Ўзбекистон

СТРУКТУРНЫЙ АНАЛИЗ РОМАНОВ ЧИНГИЗА АЙТМАТОВА

Баҳор Баҳриддиновна ТУРАЕВА

Доцент, доктор философии по филологическим наукам
Узбекский государственный университет мировых языков, Ташкент, Узбекистан

STRUCTURAL ANALYSIS OF THE NOVELS OF CHINGIZ AITMATOV

Bahor Bahriddinovna TURAeva

Doctor of philosophy (PhD) on philological sciences, an Associate professor
Uzbekistan State World Languages University
Tashkent, Uzbekistan bahorturaeva@gmail.com

UDC (УЎК, УДК): 82.09

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Тўраева Б. Б. Чингиз Айтматов романлари сарлавҳасининг структур таҳлили. // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 4 (39). — С. 132-142.

<https://doi.org/10.36078/1633777264>

Received: June 28, 2021

Accepted: August 17, 2021

Published: August 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақолада атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг “Асрни қаритган кун”, “Қиёмат”, “Тоғлар қулаётган замон” (“Абадий қаллик”), “Кассандра тамғаси” (“Охирзамон нишонлари”) романларининг сарлавҳаси структур таҳлил қилинган. Бадиий асарга ном беришда ёзувчининг ижодий мақсади, романлар сюжети ва композицияси унсурларининг сарлавҳа моҳиятини очишдаги ўрни изоҳланган. Ёзувчининг турли жанрларда яратган асарларига ном беришда аҳамиятли бўлган мезонлар таснифланган ҳамда бадиий замон ва бадиий макон маъносини аниқлаш сарлавҳалар алоҳида тадқиқ этилган. Тадқиқ жараёнида структур метод тамойиллари татбиқ этилиб, асарлар сарлавҳаси тасвирланган воқеа-ҳодисаларга мутаносиблиги, сарлавҳанинг мазмун-моҳиятини очишда ҳар бир сюжет чизиғи нечоғли йўналтирилгани аниқланган. “Плаха” (1986) (“Қиёмат”)дан ташқари уч романида иккитадан ном қўйилган: “И дольше века длится день” (“Буранный полустанок”) (1980); “Тавро Кассандры” (“Из ересей XX века”) (1994); “Когда падают горы (Вечная невеста)” (2006). Бу усул ҳам адиб маҳоратининг ўзига хослигига далилдир.

Калит сўзлар: роман; сарлавҳа; хронотоп; мотив; эпиграф; аналепсис; структур анализ; сюжет чизиғи; композиция.

Аннотация. В статье даётся структурный анализ названий романов известного киргизского писателя Чингиза Айтматова («И дольше века длится день», «Плаха», «Когда падают горы» («Вечная невеста»), «Тавро Кассандры» («Из ересей XX века»). Объясняется творческая цель автора в названии произведения искусства, роль элементов сюжета и композиции романов в раскрытии сущности названия. Критерии, которые важны при отнесении авторских произведений к разным жанрам,

классифицируются, а названия, обозначающие художественное время и художественное пространство, исследуются отдельно. В процессе исследования были применены принципы структурного метода, описана релевантность названия произведений событиям и направление каждой сюжетной линии в раскрытии содержания названия. Помимо «Плахи» (1986), два из трех его романов имеют два названия: «И дольше века длится день» («Буранный полустанок») (1980); «Тавро Кассандры» («Из ересей XX века») (1994); «Когда падают горы (Вечная невеста)» (2006). Этот прием также является доказательством уникальности писательского мастерства.

Ключевые слова: роман; название; хронотоп; мотив; эпиграф; аналепсис; структурный анализ; сюжетная линия; композиция.

Abstract. The article provides a structural analysis of the titles of the famous Kyrgyz writer Chingiz Aitmatov's novels "The Day Lasts More Than a Hundred Years", "The Place of the Skull", "When the Mountains Fall" (Eternal Fiancée), "Cassandra's Brand" (Of the heresies of the XX century). The author's creative purpose in naming the work of art, the role of the elements of the plot and the composition of the novels in revealing the essence of the title are explained. The criteria that are important in naming the author's works in different genres are classified, and the titles that mean artistic time and artistic space are studied separately. The principles of the structural method were applied in the research process, the relevance of the title of the works to the events, and the direction of each plotline in revealing the content of the title have been described. In addition to "The Place of the Skull" (1986), two of his three novels have two titles: "The Day Lasts More Than a Hundred Years" ("Buranny Station") (1980); "Cassandra's Brand" ("Of the heresies of the XX century") (1994); "When the Mountains Fall (Eternal Fiancée)" (2006). This method is also proof of the uniqueness of the writer's skill.

Keywords: novel; title; chronotope; motive; epigraph; analepsis; structural analysis; plot line; composition.

Кириш. Асар сарлавҳаси аниқлик ва қисқаликни талаб этиб, бир ёки бир неча сўзда ифодаланиши, юзлаб саҳифаларга сочилган мазмунни ўзида жамлаши, номланишиданоқ китобхонни ўзига жалб қилиши лозим.

Бадий асарнинг номи — семиотик калит. Калит эса моҳияти, борлигини белгиловчи концепциянинг аниқ, лўнда ифодаси. Ифодаланаётган концепция ҳаётий, тўлиқ англаб етилган бўлса, ёзувчи дастхати равон, жумлаю каломлар мағизи тўқ бўлади. Бадий асар концепцияси гоҳо тасвир предмети салмоғи деб ҳам аталади. Тасвир предмети салмоғи жанрни белгилашда кўл келади. Жанрлар, хусусан, роман, қисса, ҳикоя таърифи берилганда, кўпинча ташқи (юзаки) салмоққа эътибор қаратиш удуми авж олган. Жанр, сарлавҳа, концепция (тасвир предмети салмоғи) асарнинг илк семиотик марказида ярқираб кўзга ташланади. Илк семиотик марказ деганда аксарият ҳолларда биринчи мисра (сатр, жумла) тушунилади. Илк жумла (сатр, мисра) биринчи таассурот, асар ҳақидаги ғайришуурий англаш манбаи эканлигидан ташқари семиотик марказга йўл кўрсатувчи ишора ҳамдир (14, 52–53).

Асосий қисм. Сарлавҳа икки томонлама хусусиятга эга. Бир томондан, сарлавҳа — матннинг ташқарисида жойлашган ва муайян мустақилликка эга нутқ элементи. Бошқа томондан, у матннинг

тўлақонли таркибий қисми сифатида асарнинг бошқа таркибий қисмлари билан узвий боғлиқ.

Иван Бунин асарнинг илк жумласи, яъни сарлавҳанинг моҳияти, қимматини шундай баҳолайди: “Ижоднинг илк босқичида асарнинг умумий оҳанги қулоғимга чалинади. Муҳими, дастлабки ёзилган жумланинг асар тақдирини ҳал этувчи аҳамиятга эғалигида. Илк жумла асар жанрини, маромини белгилаб беради... Модомики, кулоққа чалинган ўша оҳанг ривож топмаса, шубҳасиз, чалғиб кетасан, бошлаган асарингни бир четга суриб қўясан ёки ундан бир нарса чиқмайди, ташлаб юборасан”. Демак, сарлавҳа муаллифнинг асарни яратишдаги бадиий мақсадини, қаҳрамонни характерлаш усулини, бадиий асарнинг ўзига хос хусусиятини акс эттиради.

Чингиз Айтматовнинг ижодий ниятига кўра, турли жанрдаги асар сарлавҳаларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

шахс номи ва оти — “Жамила” (қисса), “Аскар бола” (ҳикоя);
нарса-предмет номи — “Оқ кема” (қисса), “Қизил олма” (ҳикоя);
диний ва мифологик тушунчалар — “Қиёмат”, “Кассандра тамғаси” (роман);

ҳайвон номи — “Алвидо, эй Гулсари” (қисса);
замонни билдирувчи тушунчалар — “Асрни қаритган кун” (роман);

маконни билдирувчи тушунчалар — “Байдамтол соҳилларида” (ҳикоя), “Сомон йўли”, “Соҳил ёқалаб чопаетган олапар”, “Бўтакўз” (қисса);

замон ва макон туташувини билдирувчи тушунчалар — “Тоғлар қулаётган замон” (роман);

қаҳрамон руҳий оламини ифодалайдиган тушунчалар — “Юзмаюз” (қисса); “Рақиблар” (ҳикоя).

Тадқиқотимизда хронотопни ифодалаган роман сарлавҳаларини таҳлилга тортамыз. Сарлавҳа асар мазмун-моҳиятига тўлиқ мос келиши, мавзу ва ғояси билан боғлиқ бўлиши ҳамда ёзувчи концепциясини акс эттириши керак. Сарлавҳани танлашда асар яратилган замон ва макон, муайян адабий ҳаракатга, тўғаракка, мактабга хос хусусиятларга амал қилиниши, тур ва жанр каби бадиий мезонлар мавжуд. Сарлавҳа муаллифнинг индивидуал услуби, олам ва одам муносабатларини идрок этиш маҳорати асосида танланади. Сарлавҳа бадиий матннинг кучли нуқталаридан бири ҳамда матнни яратишдаги ижодкорнинг кучли позицияси, ўз навбатида, олдинга силжиш усулларида биридир. Бинобарин, сарлавҳа бадиий матннинг муҳим таркибий қисмидир.

Сарлавҳа тушунчаси, одатда, адабий асарнинг мазмунини белгиловчи композиция унсури сифатида таърифланади.

Л.М. Кольцова таъбирича, сарлавҳа — асарнинг биринчи белгиси, ундан матн билан танишиш бошланади. У ўқувчини асар дунёси билан таништиради ва унинг идрокини фаоллаштиради (12, 25–29). А.И. Домашнев сарлавҳа асарнинг асосий мавзуси ёки ғоясини ўзида ифодалашини эътироф этади (11, 43).

Чингиз Айтматовнинг биринчи романи “И дольше века длится день” 1980 йилда “Новый мир” журналида, кейинчалик “Буранный полустанок” номи билан “Знамя” журналида чоп этилган. Романнинг икки сарлавҳасида ҳам хронотоп акс этган, яъни биринчи номида бадиий замон, иккинчисида эса бадиий макон англашилади. Асардаги воқеалар Эдигей Бўроннинг дўсти Казангапни сўнги манзилга кузатиш учун Она Байит қабристонига йўл олиши ва унинг

дўсти билан боғлиқ хотиралари асосига қурилган. Воқеалар айнан Бўронли бекатида рўй бергани боис ёзувчи романга “Буранный полустанок” номини берган.

Ўзбек тилига “Асрни қаритган кун” ва “Асрга татигулик кун” тарзида таржима қилинган. Романда бир кеча-кундузда рўй берган воқеалар тасвирланган бўлса-да, ёзувчи ретроспекция ва аналепсис¹ усулларидан маҳорат билан фойдаланиб, бир асрга тенг воқеаларни бир кунлик замонга сиғдирган. Марҳумни сўнгги манзилга кузатиш ва васиятни бажариш учун Эдигей Бўрон ва Казангап чолнинг яқинлари Она Байит қабристонига йўл олишади. Бир кунлик масофани босиб ўтишда ўз биродаридай бўлган Казангапдан айрилган Эдигейнинг маҳзун хотиралари: ҳаёт йўлининг Казангап билан туташishi, урушда кантузияга учраган Эдигейга Казангапнинг оғаларча кўмаги ва Сариўзак чўлидаги Бўронли бекатида ўтказган ҳаёт йўллари, марҳумнинг фарзандлари — Собитжон ва Ойзоданинг кўз олдида вояга етишлари, аммо отасига муносиб фарзанд эмасликларидан аччиқ надомат, Абутолиб ва Зарифанинг аянчли тақдири, Эрмак ва Довулга нисбатан оталик меҳри, жавобсиз муҳаббат, дўстлик мотивлари муштараклигида тасвирланган. Ташқи аналепсис асосида “Она Байит” афсонаси келтирилган. Афсона асарнинг асосий сюжет воқеаларига халал бермайди, балки манқуртлик мотиви Собитжон ва Жўломон образлари параллелигида янада аёнлашади. Романда Эдигей Бўрон ва Казангап, Найман она ва Жўломон, “Демидур” дастури орқали коинотда “Паритет” гуруҳининг “Тўқайтош” сайёрасини кашф этиши тасвири ифодаланган мустақил уч сюжет чизиғи Она Байит қабристонига туташади. Асар сарлавҳасининг моҳияти турли замонлар — ўтмиш (“Она Байит” афсонаси, ҳозир (бош қаҳрамон ҳозирда рўй бераётган воқеалар) ва келажак (Тўқайтўш саёрасида инсонларга ўхшаш ақлли жонзодларнинг мавжудлиги ва келажакда улар билан алоқа ўрнатиш мақсадида Паритет гуруҳининг икки нафар аъзоси уларнинг сайёрасига ташриф буюриши)да очилади. Жунгжанглар томонидан ваҳшийларча хотирасидан мосуво қилинган ўғил ўз онасини ҳалок қилган; “Қоранорда Казангапни сўнгги абадий манзилига — Она Байит мазорига олиб бораётган,... хеш-аждодлар қабристонига дўстини тупроққа узатаётган” (1, 41); Ердан бошқа сайёрада ҳам ақлли жонзодларнинг мавжудлиги ҳақидаги кашфиёт аниқланган кун асрни қаритган ҳамда асрга татиган кундир. Ёзувчи уч амабей композицияси асосида уч мустақил сюжет чизиғида асрни қаритган кунда содир бўлган воқеаларни моҳирона тасвирлайди.

Дўстини дафн қилиш учун борилиши керак бўлган манзил бош қаҳрамон Эдигей Жонгелдин учун ўтмиш ҳаётини қайта кўриб чиқиш, яъни ўтмишга қайтиш ва шу билан бирга бугунги дунё тўғрисида мушоҳада юритиш учун сабаб бўлди. Дафн маросими ўтказилиши керак бўлган масофа 30 километр бўлиб, яъни бир кун мобайнида босиб ўтилади. “Асрни қаритган кун” сарлавҳасининг рамзий моҳияти шунда англашилади. Бу ҳикоя йўсинига жуда аниқ ишора, яъни бир кун мобайнида рўй берган воқеаларнинг синхрон ҳолати ва айни пайтда диахрон ҳолатда ўтмиш воқеалари келажак истиқболи билан уйғунлашади ва бу кун абадийат тимсолига айланади (10, 99).

Танқидчи К.Асаналиевнинг маълумотига кўра, роман кўлёмасининг биринчи варианты “Дўнанбой куши” деб номланган,

¹ (қад. юн. аналепсис – *αναλεψις*) — матнда олдин тасвирланган воқеалар, фактлар, ходисаларга мурожаат қилиш.

муаллифнинг эътирофича, қушнинг парвози ўтмиш, ҳозир ва келажакни; осмонни, ерни ва денгизни яхлитликда умумлаштиради. Воқеаларни турли макон ва замонларда тасвирлаш имконини беради (9, 148).

1-расм: “Асрни қаритган кун” романида замон ва маконлар туташуви.



“Плаха” (1986) ўзбек тилига “Қиёмат” тарзида таржима қилинган. Роман сарлавҳаси инсоннинг руҳий олами, табиат ва жамият билан муносабатларида юз берган қиёматларни ўзида умумлаштиради. Инсоннинг табиатга аёвсиз ҳукмронлиги, топташи натижасида ўзи ҳам ҳалокатга юз тутиши, тириклик дунёсини қиёматга айлантириши ёзувчининг фалсафий башорати янглиғ асар воқеаларининг ибтидосидан интиҳосигача нозик ип шаклида ўтади.

“Қиёмат” романи сарлавҳасида англашилган қурбонлик ижтимоий даражадан бутун олам муаммоси даражасига кўтарилади. Е.В.Красикованинг таъкидлашича, қотиллик, зўравонлик, жабр-зулм айнан қурбонлик мотиви асосида тасвирланган (13, 25).

Табиат, жамият ҳамда инсон руҳий оламида кечаётган қиёмат тасвири романнинг уч мустақил сюжет чизиғида ифодаланган:

биринчи — Акбара ва Тошчайнар бўри жуфтлигининг тақдири;

иккинчи — Авдий Каллистратовнинг аянчли қисмати;

учинчи — Бўстон ва Бозорбойнинг ўткир драматизмга қурилган муносабатлари.

Акбара ва Тошчайнарнинг Мўйинқум саҳроси, Алдаш кўли ва Исикқўл тоғ тизмаларида уч маротаба насли заволга юз тутди: Мўйинқум саҳросида сайғоқларга қирғин уюштирилганда уч боласи; Алдаш кўли яқинидаги қамишзордаги ёнғин сабаб беш боласидан айрилиши; Булоқ дарасидан Бозорбой томонидан тўрт боласининг олиб кетилиши кўкёл бўрилар ҳаётини қиёматга айлантиради.


Акбаранинг дарду аламлари Бўстон ва Гулимхонга кўчирилади, Акбара Кенжашдан ўзининг бевақт йўқотилган болаларининг ҳидини туяди. Табиатга қилинган зулм инсоннинг ўзига қайтади. Афсуски, Бозорбойнинг хатоси учун Бўстон икки ёшли Кенжаши билан товон тўлайди.

Авдий Каллистратовнинг Худо-Замондош ғоясини англаш учун Координатор ота билан мувоҳасаси боис черковдан қувилиши, ечими топилмаган мулоҳазалар олдидаги ҳайрати, ҳатто замон ва маконлар оша Мураббийни излаб, Қуддуснинг Ҳефсиман боғларида сарсон кезиши микролам хронотопини юзага келтиради. Авдий эзгу

ғояларни тарғиб қилиши билан Исо Масих образига параллел қўлланади. Гришан ва Обер-Кандалов томонидан Авдийнинг “суд қилиниши” воқеасини Понтий Пилат “Адолатли салтанат куриш ғояси” (3, 214) учун Исо Масихни суд қилиши янада теранлаштиради.

Қаҳрамон микроолами бадий психологизмнинг типологик ва аналитик принциплари асосида тасвирланган, яъни персонажларнинг ҳис-туйғулари, уй-фикрларининг илдишлари ва тадрижи у шаклланган ва ҳаракатланаётган муҳит шарт-шароитлари билан боғлаб ифодаланган. Авдий, Исо Масих, Гурам Жўҳадзе, Бўстон, Гулимхон ва Акбаранинг ички оламида кечувчи тизгинсиз эврилишлар полифоник тарзда акс этирилган. Бу образларнинг умумлашма хусусияти шундаки, улар эзгулик истаб, ёвузлик қурбони бўлишади. Ёзувчи юқорида номлари зикр этилган образлар қалбида кечган қиёматни зулм, залолат, айрилиқ, хиёнат мотивлари орқали тасвирлаб, асарнинг таъсир кучини оширади.

2-расм: “Қиёмат” романида фожиали тақдирлар акс этган сюжет чизиқлари.



Асар сарлавҳасидан англашилган мазмун-моҳият шундаки, асарнинг ҳар бир қаҳрамони ҳаётида қиёмат кўпиши табиат, инсоният ва жамият мезонларининг бузилиши туфайли содир бўлиши ёзувчи томонидан маҳорат билан асосланган.

“Тавро Кассандры”, (“Из ересей XX века”) (1994) романи ўзбек тилига “Кассандра тамғаси” ҳамда “Охирзамон нишонлари” тарзида таржима қилинган. Асар учун танланган сарлавҳалар бир-бирини тўлдирди, яъни пешонасида қизил доғ, яъни кассандра тамғаси пайдо бўлган аёлнинг ҳомиласи дунёга келгач, инсониятни ҳалокат ёқасига, охирзамонга етаклайди.

Романда Чингиз Айтматовнинг интеллектуал ва бадий маҳорати нечоғли юксалганини кўрамиз. Сарлавҳа асар воқеаларига мос танланган, яъни Апполоннинг дуои бади туфайли Шоҳ Приамнинг қизи Кассандранинг башоратларига ҳеч ким ишонмаганидек, Филофей томонидан Кассандра тамғаси дея номланган айрим ҳомиладор аёлларнинг пешонасидаги қизил доғ ҳақидаги огоҳлантиришига ҳеч ким ишонмайди.

Асар мавзусига кўра сюжет чизиғи икки йўналишда ривожланади:

а) сунъий лойиҳалаштирилган, ота-оналари номаълум одамларни яратиш; (5, 131)


б) пешонасида қизил доғ пайдо бўлган аёлларнинг ҳомилаларини мажбуран йўқотиш.

Бош қахрамон асарда икки ном билан аталган. Аслида болалар уйига ташлаб кетилган, ўткир зеҳни туфайли медицина институтини битириб, иксзурриётлар устида тадқиқот олиб борган генетик олим ва академик Андрей Крильцов ва айрим иккиқат аёлларнинг пешоналарида ҳомиладорликнинг дастлабки ҳафталарида икки қош оралиғида қизил доғ (бу доғ боланинг тақдири ёмон кечишидан нишона. — Т.Б.), яъни Кассандра тамғаси пайдо бўлишини, бундай ҳолларда ҳомила-эмбрион ёруғ дунёга келишни хоҳламаслиги ва ўзини йўқотишларини талаб қилишини аниқлаган футуролог Филофей тарзида намоён бўлади. Қахрамон чақалоқлигиданоқ болалар уйда тарбияланган, ота-она меҳридан мосуво, ўзи эътироф этганидек, “Мен ортиқчаман, менинг ўзим иксзурриётман, мен инсоният орасида “қора туйнукман” (5, 126).

Сарлавҳанинг моҳияти Филофейнинг коинотдан Рим папасига йўллаган мактубида англашилади: “Мен шунга амин бўлдимки, инсон ҳомиласи она қорнидаги ривожининг биринчи ҳафталарида ўзининг келажак ҳаёти қандай кечишини ички ҳис билан сезиш ва тақдири азалга ўз муносабатини билдириш имкониятига эга бўлар экан. Агар эмбрионнинг қисмати келажак ҳаётда ёмон кечадиган бўлса, ҳомила ўзининг ёруғ дунёга келишига қаршилик қилар экан. Мен эмбрионда шундай сигнал-нишон топдимки, эмбрион туғилишга салбий муносабатда бўлса, ўзидан нишон, яъни сигнал беради. Бу сигнал туғилишни хоҳламайдиган болага ҳомиладор аёлнинг пешонасида кичкинагина рангли доғ шаклида кўринади. Мен бу доғни Кассандра тамғаси деб, кўнгилсиз сигналлар бериб турадиган ҳомилани кассандра-эмбрион деб атадим” (5, 10).

Роҳиб Филофей коинотдан юборган нур натижасида баъзи ҳомиладор аёлларнинг пешонасида қизил доғнинг аниқ кўриниши, бундай буюк экспериментнинг моҳиятига африкаликлар ҳам, осиеликлар ҳам, руслар ҳам, америкаликлар ҳам тушуниб етмагач, ўзини очиқ космосга улоқтириб ҳалок бўлиши, тажрибани оломонга етказмоқчи бўлган футуролог Роберт Боркнинг ваҳшийларча ўлдирилиши кучли драматизм асосида тасвирланган.

3-расм: “Охирзамон нишонлари” — ота-онаси номаълум иксзурриёт-ларнинг яратилиши ва аянчли қисмати қизил доғ орқали башорат қилинган эмбрионлар тақдири.



Айрим иккиқат аёлларнинг пешоналарида ҳомиладорликнинг дастлабки ҳафталарида икки қош оралиғида қизил доғ, яъни Кассандра тамғаси пайдо бўлиши орқали белги берган ҳомила-эмбрионнинг ёруғ дунёга келишни хоҳламаслиги ва ўзини йўқотишларини талаб қилиши; насл-насабсиз иксзурриётларни дунёга келтиришга мажбурлаш

инсонларнинг гуноҳи кабиралари бўлиб, инсоният, табиат, ҳайвонот, жамики тириклик дунёсининг қатъий тартибдаги мезонларнинг бузилишига сабаб бўлди.

Охирзамон нишонлари океан ости, ер ва коинот вертикаллигида бўй кўрсагади:

1) китлар ўзларини қуруқликка отиб, ўлимга маҳкум этишлари;

2) инсоният генофондига қилинаётган таҳдид — ҳеч қандай яқини бўлмаган иксзурриётларнинг яратилиши; аччиқ қисмат эгаси бўлишдан кўрққан эмбрионларнинг туғилишни истамасдан, бераётган огоҳлантиришлари;

3) ерда ўзига жой йўқлигини англаган Андрей Крильцов коинотдан туриб, инсонлар ҳаётига даҳшат солиши.


Кассандра Апполон муҳаббатини рад қилгач, Апполон Кассандрани шундай дуойи бад қилдики, унинг башоратларига ҳеч ким ишонмай қўйди. Иккала эпиграф сарлавҳанинг моҳиятини очишда семиотик калит вазифасини ўтайди. Кассандранинг башоратларига ҳеч ким ишонмагани сингари Филофейнинг огоҳлантиришлари ҳам фожиали якун топади.

Икковидан қайси бири ҳали яшаб кўрмаган бўлса, қайси бири ёруғ дунёда қилинаётган ёвуз ишлардан беҳабар бўлса, ўшаниси саодатманддир. Бу эпиграфда иксзурриёт ва онасининг пешонасида қизил доғ пайдо бўлган ҳомила назарда тутилган, чунки ҳар иккаласи ҳам инсоният дунёсига ҳалокат келтиради. Демак, уларнинг ўз ёвузликларини юзага чиқармаслиги, яъни тириклар оламида яшамаслиги уларнинг саодатмандлигидир. Сарлавҳанинг моҳияти микро, макро ва мегахронотопларнинг муштарак ифодасида теранлашади. Микрохронотопда бош қаҳрамоннинг коинотга ўзини улоқтириши, қалбида кечган тизгинсиз пўртаналар; макрохронотопда ерда, жамиятда, инсонлар орасида унга жой қолмагани; мегахронотопда коинотда ҳам хотиржамлик топмагани, ҳатто ерда одамлар уни коинотдан уриб тушириш режасини тузишгани билан боғлиқ воқеликлар ифодаланади.

“Қоғда падают горы (Вечная невеста)” (2006) романи ўзбек тилига “Тоғлар қулаётган замон” (“Абадий қаллик”) тарзида таржима қилинган. Романнинг ҳар икки номланишида бадий замон англашилади, ёзувчи уч сюжет чизигида асар номининг мазмун-моҳиятини ёритишга муваффақ бўлган. Мустақил фикрга эга журналист Арсен Саманчин замони ва абадий қаллик сюжет чизиқлари воқеалар ривожини мобайнида кесишиб, бир-бирини бойитиб боради. Узангиланиш тоғ барси Жаабарс ва Арсен Саманчиннинг “самовий боғлиқлиги, қазову қадарнинг амри-иродаси билан битта буржнинг юлдузлари остида дунёга келган”и, аммо “бир-бирларидан хабардор бўлмаган” (7, 7)лиги параллел сюжет асосида амабей композицияни ҳосил қилган. Асарда бош қаҳрамонлар — Арсен ва Жаабарснинг ўз яқини томонидан рад этилганлиги — руҳий оламида ички мувозанатнинг бузилиши экологик муаммо уйғунлигида ифода этилган. Айдана — Арсен Саманчин — Элас, Абадий қаллик ва Жаабарс замонларини адиб тоғлар қулаётган замон сифатида баҳолайди. Абадий қаллик афсонаси сюжет чизиқларини туташтирувчи нозик ип вазифасини ўтагани боис ёзувчи асарнинг иккинчи сарлавҳаси сифатида мазкур номни танлаган. Арсен, овчи йигит ва Жаабарс микрохронотопини хиёнат мотиви, Айдана руҳий оламини оммавий маданият, мол-дунёга ўчлик, Эласнинг руҳиятини

эса бир умрга йўқотиш ва изтироб мотивлари янада теранроқ очишга ва асар лейтмотивини аниқ акс эттиришга хизмат қилган.

4-расм: “Абадий қаллиқ”нинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи Арсен — Жаабарс — Мангу қайлиқ, Арсен — Ойдана — Мангу қайлиқ, Арсен — Элес — Мангу қайлиқ сюжет чизиқларининг кесишуви.



Ёзувчи таъбирича, тоғлар қулаётган замонда оммавий маданият жаҳон бўйлаб ғолибона қадам ташлайди (7, 53), мумтоз мусиқа ўз ўрнини поп-шоу-бизнесига бўшатишга мажбур; хиёнат, ҳасад бахтга раҳна солиб, севишганларни тоғ-тошларда дарбадар кезишга маҳкум этади; ҳамма нарса бозор мафқурасига бўйсундирилади, ҳатто ваҳший тоғ барслари савдо-сотик буюмига айланади, севгини ҳам, сотиладиган товардай бозор растасига чиқаришади (7, 42), бозор иқтисоди ўзининг кенг ёйилган турларига одамларнинг ўзинигина эмас, уларнинг юракларини ҳам илинтириб олади (7, 193).

Хулоса. Чингиз Айтматов романлари сарлавҳаси фалсафий мазмун касб этган, ҳар бирида инсониятни огоҳлантириш, уларни балолардан асрашга интилиш ғояси устувор аҳамиятга эга. Тўрт роман сарлавҳаси ўзида бадий замон ва бадий макон туташуви (“Тоғлар қулаётган замон”) ёки бадий замон (“Қиёмат”, “Асрни қаритган кун”, “Охирзамон нишонлари”)ни ифодалайди. Адиб воқеалар силсиласи тасвирида айнан сарлавҳанинг моҳиятини сингдира олганки, турли сюжет чизиқларида сарлавҳанинг маъноси ҳар хил ракурсларда англашилади.

Романлар сарлавҳасининг мазмун-моҳиятини теранлаштиришда мавзу, мотив, образлар тизими, муаллиф ғоясининг мантикийлиги ва ижодий фантазиясининг кенглиги, бадий деталларнинг аниқлиги, қаҳрамонлар ички дунёсини маҳорат билан очиб берилиши каби бадий унсурлар хизмат қилган.

Сарлавҳалар таҳлилидаги эътиборли жиҳат шундаки, сюжет чизиқларини бир-бирига туташтиришда, сюжет ва композиция унсурларининг бадий асар майдонида кетма-кетлигини таъминлашда, асар архитектуроникасини шакллантиришда хронотоп қанчалик аҳамият

касб этса, романлар номланишида ҳам шундай хусусиятга эгаллиги билан диққатга сазовор.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Айтматов Ч. Асрни қаритган кун. Роман. Рус тилидан Асил Рашидов таржимаси. — Т.: Янги аср авлоди, 2018. — 432 б.
2. Айтматов Ч. Буранний полустанок (И дольше века длится день). Роман. — М.: Советский писатель, 1984. — 303 с.
3. Айтматов Ч. Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. — Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. — 187 б.
4. Айтматов Ч. Плаха: Роман / Чингиз Айтматов. Хабаровск: Кн. изд-во, 1988. — 284 с.
5. Айтматов Ч. Кассандра тамғаси. Роман. Рус тилидан Суюн Қораев таржимаси. — Т.: Adabiyot uchqunlari, 2019. — 287 с.
6. Айтматов Ч. Тавро Кассандры: (Из ересей XX века). — Санкт-Петербург: Азбука-Аттикус, 2019. — 318 с.
7. Айтматов Ч. Тоғлар кулаётган замон. Мангу қайлик. Роман. Рус тилидан Иброҳим Ғафуров таржимаси. — Т.: O'zbekiston NMIU, 2011. — 256 б.
8. Айтматов Ч. Когда падают горы (Вечная невеста). Роман. — М.: Азбука, 2008. — 475 с.
9. Асаналиев К. Возрождение эпоса // Айтматов Ч. Избранное. — Фрунзе: Кыргызстан. 1983. — С. 148.
10. Дедина М.С. Фольклорно-мифологические мотивы в прозе Чингиза Айтматова: Монография. — Горно-Алтайск: Рио Гагу, 2009. — 135 с.
11. Домашнев А.И., Шишкина И.П., Гончарова Е.А. Интерпретация художественного текста. — М.: Просвещение, 1989. — 211 с.
12. Кольцова Л.М. Художественный текст в современной лингвистической парадигме. — Воронеж, 2007. — 51 с.
13. Красикова Е. Апокалипсис милосердия: О символе в романе Ч. Айтматова «Плаха» // Русская речь, 1992. — №1. — С.25.
14. Расулов А. Бадиийлик — безавол янгилик. — Т.: Шарқ, 2007. — Б. 52-53.
15. Словарь литературоведческих терминов / Ред.сост.: Л.И. Тимофеев и С.В. Тураев. М.: Просвещение, 1974. — 509 с.
16. Темирболат А.Б. Проблема хронотопа в современной прозе: Учебное пособие. — Алматы, 2003. — 199 с.

References

1. Aitmatov Ch. *Asrni karitgan kun. Roman. Rus tilidan Asil Rashidov tarzhimasi* (The Day Lasts More Than a Hundred Years, Novel, Translated from the Russian by Asil Rashidov), Tashkent: Yangi asr avlodi, 2018, 432 p.
2. Aitmatov Ch. *Burannyi polustanok* (Burannyi halt), Moscow: Sovetskii pisatel', 1984. 303 p.
3. Aitmatov Ch. *Kiemat. Roman. Rus tilidan Ibroxim Gafurov tarzhimasi* (The Place of the Skull. Novel, Translated from the Russian by Ibrahim Gafurov), Tashkent: Gafur Gulom nomidagi Adabiet va san"at nashrieti, 1989, 187 p.
4. Aitmatov Ch. *Plakha: Roman* (The Place of the Skull: Novel), Chingiz Aitmatov. Khabarovsk: Kn. izd-vo, 1988, 284 p.
5. Aitmatov Ch. *Kassandra tamgasi. Roman. Rus tilidan Suyun Koraev tarzhimasi* (Cassandra's Brand. Novel, Translated from the Russian by Suyun Karaev), Tashkent: Adabiyot uchqunlari, 2019, 287 p.
6. Aitmatov Ch. *Tavro Kassyndry: (Iz eresey KhKh veka)* (Cassandra's Brand: (From the heresies of the twentieth century), Sankt-Peterburg: Azbuka-Attikus, 2019, 318 p.
7. Aitmatov Ch. *Toglar kulaetgan zamon. Mangu kailik. Roman. Rus tilidan Ibrohim Gafurov tarzhimasi* (When The Mountains Fall. Roman. Translated from the Russian by Ibrahim Gafurov), Tashkent: Uzbekistan NMIU, 2011, 256 p.
8. Aitmatov Ch. *Kogda padayut gory (Vechnaya nevesta)* (When the Mountains Fall (Eternal Bride). Novel), Moscow: Azbuka, 2008, 475 p.

9. Asanaliev K. *Vozrozhdenie eposa* (Revival of the epic), Aitmatov Ch. Izbrannoe. Frunze: Kyrgyzstan. 1983, 148 p.
10. Dedina M.S. *Fol'klorno-mifologicheskie motivy v proze Chingiza Aitmatova: Monografiya* (Folklore and mythological motives in the prose of Chingiz Aitmatov: Monograph), Gorno-Altaysk: Rio Gagu, 2009, 135 p.
11. Domashnev A.I., Shishkina I.P., Goncharova E.A. *Interpretatsiya khudozhestvennogo teksta* (Interpretation of literary text), Moscow: Prosveshchenie, 1989, 211 p.
12. Kol'tsova L.M. *Khudozhestvennyi tekst v sovremennoi lingvisticheskoi paradigme* (Fictional text in the modern linguistic paradigm), Voronezh, 2007, 51 p.
13. Krasikova E. *Russkaya rech'*, 1992, No.1. p.25.
14. Rasulov A. *Badiilik — bezavol yangilik* (Art is a novelty), Tashkent: Sharq, 2007, pp. 52–53.
15. *Slovar' literaturovedcheskikh terminov / Red.sost.: L.I. Timofeev i S.V. Turaev* (Dictionary of literary terms / Edited by: L.I. Timofeev and S.V. Turaev), Moscow: Prosveshchenie, 1974, 509 p.
16. Temirbolat A.B. *Problema khronotopa v sovremennoi proze: Uchebnoe posobie* (The Problem of the Chronotope in Contemporary Prose: Textbook), Almaty, 2003, 199 p.